УзССР Давлат матбуот палатасининг ... УзССР

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 26 сентябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 73 (7070)

Da'vat

Сусткашлик осон ишни мушкуллаштиради, қийин ишни эса, чорасиз бир аҳволга олиб келади.

М.ЛОРИМЕР

Ibrat

Дустлик тумани ҳокими фармойишига кўра, Оила йилида оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш мақсадида тумандаги барча болалар боғчаларида ота-оналар бадали тўлаш бекор қилинди.

JUMLADA JAHON

• Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли - Огаҳий таваллудининг 190 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

• 24 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси бўлди, уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

• Ўзбекистон ҳудудида НАТО ва унга ҳамкор мамлакатларнинг «Марказийосиёбатальони-98» ҳарбий машғулотларининг ўтказилиши дунё сиёсатчилари, оммавий-ахборот воситалари ходимлари, турли мамлакат ҳарбийлари томонидан юқори баҳоланмоқда.

• Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлаги - ТРАСЕКА дастури доирасида Тошкентда ўтказилаётган халқаро конференцияда Россия, Озарбойжон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистондан ташриф буюрган бир гуруҳ транспортчилар, қатор халқаро ташкилотларнинг вакиллари, мутахассислар, республикамиздаги манфаатдор вазирлик ва идораларнинг раҳбар ходимлари иштирок этишяпти.

• Айни кунда Эрон ва Афғонистон чегарасида 270 минг кишилик Эрон қўшинлари ҳарбий машқлар ўтказмоқда.

• БМТ Бош котиби Кофи Аннан толиблар тинч аҳолини ўлдиришни давом эттирар эканлар, халқаро ҳамжамият уларни қўллаб-қувватламаслигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тармоғини яратиш ва ривожлантириш, уларни республика ҳудудида мақбул жойлаштириш ва замонавий талабларга мувофиқ техника билан жиҳозлаш бўйича белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. 1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари, корхоналар ва ташкилотлар, ҳомийларнинг ўз маблағлари, хорижий кредитлар академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва маблағ билан таъминлаш дастурини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбалари ҳисобланади;

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юкланади;

кўрсатиб ўтилган объектларни янгидан қуриш ва қайта ихтисослаштириладиганларини реконструкция қилиш фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг намунавий лойиҳалари бўйича ҳамда унинг назоратида амалга оширилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикси Халқ таълими вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва маблағ билан таъминаш минтақавий дастурларини, академик лицейларни ва касб-ҳунар коллежларини қайта ихтисослаштириш ва ишга туширишнинг аниқ ҳудудий дастурларидан келиб чиққан ҳолда, бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар, унда қуйидаги принциплар асос қилиб олинсин:

таълим муассаларининг янги турларига қўйилаётган талабларга мувофиқ академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини барпо этиш учун фаолият кўрсатиб турган ўрта махсус ва ҳунар-техника таълим муассаларининг моддий-техника базасидан, шунингдек бошқа бинолар, иморатлар ва қурилиши тугалланмаган объектлардан юқори даражада фойдаланиш;

ишлаб чиқариш амалиёти базалари ва ўқувчиларнинг яшаш жойлари яқинлигини ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунар коллежларини оқилона ихтисослаштириш ва жойлаштириш. Зарур ҳолларда яшаш жойи узоқ бўлган ўқувчилар учун ётоқхонада яшаш шароитлари яратиш;

академик лицейларни, қоидага кўра, олий таълим муассасалари ҳузурида, шунингдек юқори малакали педагог кадрлар мактабига эга бўлган шаҳарларда ва туманлар марказларида ташкил этиш;

9-синф битирувчиларини 2005-2006 ўқув йилидан кечиктирмай ўқитишнинг янги шакллари билан қамраб олган ҳолда уларни янги ташкил этилаётган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига босқичма-босқич қабул қилиш;

бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва маблағ билан таъминлашнинг муқобил манбаларини, шу жумладан корхоналар ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағларини, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш.

Минтақавий дастурларда ишга тушириладиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари аниқ рўйхатларини шакллантириш назарда тутилсин ва Дастур топшириқларининг бажарилиши таъминлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралари билан биргаликда:

1999-2005 йиллардаги даврда ҳар йили ишлаб чиқиладиган республика инвестиция дастурларида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастурининг амалга оширилишини таъминловчи ҳажмларда лимитлар ва маблағ билан таъминлаш манбалари (шу жумладан бюджет маблағлари)ни назарда тутсинлар, зарур ҳолларда илгари қабул қилинган инвестиция дастурлари ва лойиҳаларни амалга ошириш муддатлари ва маблағ билан таъминлаш манбаларини қайта кўриб чиқсинлар;

Дастурни амалга ошириш учун имтиёзли шартларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича, ушбу мақсадлар учун Ҳукумат кафолати берилишини ҳисобга олган ҳолда, халқаро молия ташкилотлари ва бошқа хорижий инвесторлар билан доимий асосда иш олиб борсинлар;

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури топшириқларининг бажарилиши амалиётини ҳисобга олган ҳолда зарур ҳолларда унинг кўрсаткичларига киритилиши мумкин бўлган тузатишлар тўғрисида таклифлар тақдим этсинлар.

5. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, корхоналар ва ташкилотлар ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобига:

касб-ҳунар коллежларининг ўз вақтида ишга туширилишини таъминласинлар;

академик-лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий техника базасини ривожлантириш ва маблағ билан таъминлаш минтақавий дастурларига мувофиқ ўз балансидаги ўрта махсус ва ҳунар-техника таълим муассасаларини қайта ихтисослаштирсинлар.

6. Белгилансинки:

юридик шахсларнинг солиққа тортиладиган даромади (фойдаси) касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қурилишига, уларни реконструкция қилишга, қайта ихтисослаштиришга ва жиҳозлашга йўналтириладиган фойда суммасига камаяди;

таълим муассасаларини жиҳозлаш учун импорт қилинадиган ўқув лаборатория асбоб-ускуналари бож тўловларидан озод этилади.

7. Белгилансинки, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозлаш молиявий ресурсларнинг топилишига қараб босқичма-босқич амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш нормативларини, қурилишлар сметасига кирувчи асбоб-ускуналарни алоҳида сатрга ажратган ҳолда, 1998 йил охиригача ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

8. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини лойиҳалаштириш ва қуриш юзасидан бош буюртмачи функцияларини бажариш Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши бўйича Қорақалпоғистон республика ва вилоят дирекцияларига юклансин, бош пудратчи этиб эса, қоидага кўра, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ҳудудий ихтисослаштирилган қурилиш трестлари белгилансин.

Белгилансинки, Минтақавий дастурларнинг бажарилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари шахсан жавоб берадилар.

9. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Узбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда 1998 йил 1 декабргача 1999 йилда қуриладиган объектлар бўйича тендер ҳужжатларини тўлиқ ҳажмда тайёрласин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги касб-ҳунар коллежларини тажриба хўжаликлари ва ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш учун камида 20 гектар ер майдони билан таъминласинлар.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 204-сон қарори билан тузилган Ҳукумат комиссияси 1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури топшириқларининг бажарилиши устидан доимий мониторингни таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков ва Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 сентябрь

Ўқитувчи ёш дафтарига

ЮРАК ВА СУВ

Америкалик олим Генри Шредер истеъмол қилинадиган сув сифати билан юрак касалликлари ўртасида маълум бир боғлиқлик борлигини аниқлади. Маълум бўлишича, ичиладиган сув таркибида магний, натрий, калий, сульфат ва барий жуда кам бўлиб, аксинча мис кўп учрайдиган ҳудудларда одамлар юрак хасталигига кўпроқ дучор бўлар эканлар.

ҚУШЛАР ҲАҚИДА ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТ

Мутахассис олимлар Скандинавиядан Англияга учиб ўтувчи кўпгина қушлар тўхтовсиз 650 километр масофани босиб ўтишини аниқладилар. Мексика кўрфази орқали учиб ўтувчи қушлар эса янада кўпроқ, 800-1150 километр масофани дам олмасдан босиб ўтар экан. Ҳа, ҳаётнинг қушларга ҳам аталган синовлари бисёр.

ИНГЛИЗ ОЛИМИ УЭНТНИНГ ФИКРИЧА

Момоқалдироқни вужудга келтирувчи электр зарядлари ўсимлик ва дарахтлардан пайдо бўлар экан. Д.Уэнт, ўсимлик ва дарахт барглари ҳавога кўп миқдорда эфир ёғи, терпен каби моддаларни, баъзан маълум миқдорда мусбат ионларни ҳам ажратиб чиқаради, деб таъкидламоқда. Бу ионлар эса осмонда электр зарядли булутларни пайдо қилади.

ЖАҲОНДА НЕЧТА ТИЛ БОР?

Хориж олими Д.Динк жаҳонда жами 2250 дан ортиқ тил борлигини айтса, рус тилшуноси А.Реформатский 2500 дан зиёд тил мавжудлигини ёзади. Дунё тилшуносларининг Аликента шаҳрида (Испания) бўлиб ўтган халқаро анжуманда эса, бу борада янада каттароқ кўрсаткич қайд этилди - дунёда 2976 хил тил мавжуд экан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 800 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган довюрак курашчи, миллий қаҳрамон, жаҳон халқлари тарихида ўчмас из қолдирган Жалолиддин Мангуберди таваллудига 800 йил тўлиши муносабати билан унинг хотирасини абадийлаштириш ва тарихий адолатни қарор топтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Хоразм вилояти ҳокимлиги, маданият ишлари вазирлигининг 1999 йилда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси таркиби тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита бир ой муддатда мазкур санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқсин ва уни бажаришга киришсин.

3. Узбекистон Республикаси Фанлар академияси:

тегишли вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар жамоат ташкилотлари билан биргаликда 1999 йилда **«Жалолиддин Мангубердининг дунё тарихида тутган ўрни»** мавзуида халқаро конференция ўтказсин;

илмий-ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотлари ва «Олтин мерос» жамғармаси билан биргаликда бир ой муддатда Жалолиддин Мангубердининг Марказий Осиё халқлари тарихида тутган ўрнини холис ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича дастур ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

Хоразмшоҳлар замонида ёзилган қўлёзма асарларнинг чет элларда сақланаётган нусхалари рўйхатини тузсин ва уларни (микрофильмларни) олиб келиш учун хорижга мутахассисларнинг илмий сафарини ташкил қилсин;

Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда хоразмшоҳлар даври тарихи, илм-фани, маданияти ва санъатига оид адабиётларни расмий тантаналаргача чоп этишни режалаштирсин.

4. Хоразм вилояти ҳокимлиги Узбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда қадимий меъморлик анъаналари билан уйғунлашган Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуасини Урганч шаҳрида 1999 йилда барпо этиш масаласини ҳал этсин.

Узбекистон Бадиий академияси бир ой муддатда Жалолиддин Мангуберди қиёфасини яратиш бўйича республика очиқ танловини ўтказсин.

5. Узбекистон телерадиокомпанияси Жалолиддин Мангуберди яшаган давр ва унинг Ватан озодлиги йўлидаги жасоратли ҳаётини акс эттирувчи туркум кўрсатув, эшиттиришлар дастурини тайёрласин ва амалга оширсин.

Халқ қаҳрамонининг ҳаёти ва ўлмас жасоратлари матбуот воситаларида кенг ёритилсин.

6. «Узбеккино» компанияси Жалолиддин Мангуберди ҳаётига бағишланган бадиий фильм яратишни режалаштирсин.

7. Узбекистон Республикаси Марказий Банки ва Молия вазирлиги 1999 йилда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги муносабати билан эсдалик юбилей тангасини муомалага чиқарсин.

8. Ушбу қарорда кўрсатилган ва ташкилий қўмита тасдиқлайдиган тадбирларни амалга ошириш харажатлари тенг улушларда республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

Бу ишга ҳомийлар, шу жумладан хорижий ҳомийларнинг ўз улушларини қўшиш ҳақида таклиф-истаклари қўллаб-қувватлансин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 24 сентябрь.

XALQARO SIMFONIK MUSIQA FESTIVALI • TOSHKENT-98 •

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ТАШАББУСИ ДАВОМ ЭТСА ...

Мана, бир неча кундирки, пойтахтимизда халқаро симфоник мусиқа фестивали давом этяпти. Шу кунлари Тошкентнинг «Туркистон» саройида, Алишер Навоий номидаги ДАКТда ва М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси катта ва кичик концерт залларида мусиқашунос, санъатшунос олимлар, мусиқа иҳлосмандлари, талабалар ва юртимиз меҳмонлари симфоник мусиқа, камер-чолғу мусиқаси ва камер асарлар концертларидан баҳраманд бўлишмоқда. Ушбу концертларда ижро этилаётган асарларга, айнан ижрочилар маҳоратига чет эллик мутахассислар юксак баҳо беришяпти.

Биз фестиваль қатнашчиси, қозоғистонлик меҳмонимиз, Қурманғози номидаги Алмати давлат консерваторияси мусиқа тарихи кафедрасининг мудири, мусиқашунос олим Тамара Жумалиева билан мулоқотда бўлдик.

— Мен гуё сирли мусиқа оламига кириб қолгандайман. Фестиваль қатнашчилари иштироки қилаётган «Узбекистон» меҳмонхонаси, Узбекистон бастакорлар уюшмаси, концертлар ўтказилаётган Тошкент Давлат консерваторияси, «Туркистон» саройи ва А.Навоий номидаги театр бир-бирига шунчалик яқин жойлашганки, хатто махсус автобус ёки машинадан ҳам фойдаланмасдан, пиёда юришни хўш кўраяпман. Амир Темур ҳиёбони, Сайилгоҳ кўчаси, Мустақиллик майдонида учратган узбекистонликларнинг хушфеъл, меҳмондуст эканликларини айтмайсизми, мен бутун ҳаётим давомида бу фестивальни асло унутмасман.

— Тамара опа, фестивалга ўзингиз билан «Новая музыкальная газета» олиб келибсиз деб эшитдик.

— Дарҳақиқат, Алмати давлат консерваторияси муассислигида ҳамда Қозоғистон бастакорлар уюшмасининг қўллаб-қувватлаши билан бу нашр 1996 йилнинг наврўзидан А-8 ҳажмида 32 варақда қозоқ ва рус тилларида чоп этилаяпти. Газетада «Таҳририят меҳмони», «Концерт залларида», «Бастакорлар уюшмаси ҳаётидан», «Нигоҳ», «Чет элларда», «Парнас янгиликлари», «Юбилей арафасида», «Тарихдан садолар», «Мангулик қадриятлар», «Мусиқа ва дин», «Мусиқа ва болалар ижодиёти», «Хотира», «Чет эллик мухлислар учун», «Танишув», «Қургазма залида», «Бизнинг лауреатлар», «Қуриқтанловлар» каби рукнларда жаҳон мусиқаси янгиликлари, мусиқа адабиёти,

(Давоми 2-бетда)

Tajriba-sinov maydonlarida



ЖАРАЁН ТАДҚИҚ ЭТИЛАДИ

Юртимизда Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни рўёбга чиқаришга киришилди. Мамлакатимизнинг 24 та машъал педагогик жамоаларида янги дастурни синаш ва бу хусусда ўқув йили поёнида холис фикрларни бериш йўлида заҳматли иш бошланди. Бу шарафли юмушга педагогика соҳасининг забардаст олимлари, услубчилар, тажрибали муаллимлар, қолаверса, ўқувчилару ота-оналар, жамоат ташкилотлари вакиллари жалб этилган. Умуман, бутун элулус диққат-эътибори маорифимиз келажагига, ўқитиш дастури моҳиятига қаратилган. Мутахассислар ҳам янги ёзилажак дарсликлар, давлат таълим стандартлари айни шу тажриба-синовларга бевосита боғлиқлигини эътироф этишмоқда.

Сирасини айтганда, ўқув дастурлари умумтаълим мактабларида тажриба тариқасида илк бор синаб қўриляпти. Муҳими, тажриба-синов майдончаларида назорат қилинадиган, бошқарилиадиган педагогик жараёнлар ҳам тадқиқ қилинади, педагогик масалалар ва муаммоларни ҳал қилишнинг янгича воситалари изланади. Бу каби изланишлар «Иқтисодий билим асослари» фани бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги Мирзакалон Исмоилий номидаги 138-ўрта мактабда олиб борилаяпти. Очиғи, бу масканда 1992 йилдан буён мазкур фан батафсил ўқитилиб келинаётир. Ҳозирги кунда иқтисодни чуқур ўрганишга йўналтирилган синфларни битирган ўнлаб йигит-қизлар иқтисод ёки молия соҳасини танлаб, таҳсилни олий ўқув юртларида давом эттирмоқдалар.

Мактабда ўғил-қизларнинг севимли устози, иқтисод фанлари номзоди Абдусаттор Қорабоев, олий тоифали муаллим Бахтиёр Каримовлар фаолият кўрсатишяпти. Уларнинг изланишлари, мазкур соҳа бўйича ёзган ўнлаб мақола ва қатор қўлланмалари жамоатчилик эътиборига тушди. Ундан ташқари, илм масканининг юқори имкониятли «Ай-Би-Эм» компьютерлар синфи, жуда шинам безатилган «Иқтисодий билим асослари» фани хонаси, шунингдек, жипслашган жамоаси борлиги боис, айнан шу мактаб тажриба-синов майдончасига мос деб топилди.

(Давоми 2-бетда)

Taraddud

УСТОЗГА ТАЪЗИМ

Республикамиз истиқлолга эга бўлгандан кейин, миллий қадриятларни тиклаш ишларига катта эътибор берилмоқда. Айниқса, маърифат жонкуярлари ёш авлоднинг маънавий дунёқарашини уйғун шакллантиришда олиб бораётган хизматлари таҳсинга сазовордир. Хўш, уларни қандай янгиликлар кутаяпти? Навоий вилоятида байрам кунлари қандай тадбирлар ўтказилади? Биз шу каби саволлар билан Навоий вилояти ҳокими муовини Азамат ҲАЙДАРОВга мурожаат қилдик.

— Азамат ака, Навоий вилоятида «Ўқитувчилар ва мураббийлар байрамига бағишланган қандай байрамолди тадбирлар ўтказилмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9-сентябрдаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармонига биноан, 1997 йилдан бошлаб «1 октябрь — ўқитувчи ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами деб эълон қилинган эди. Бу эса таълим ходимларига кўрсатилган гамхўрликнинг яна бир намунасидир.

Хусусан, вилоятимизда ана шу умумхалқ байрамига бағишланган бир қатор тадбирлар ўтказилиши мўлжалланмоқда. Жумладан, барча туманларда ўқитувчи-педагоглар ва ўқувчилар билан суҳбат ва учрашувлар ўтказилади. Бу учрашув-суҳбатлардан кўзланган мақсад байрамни вилоятимизнинг барча ҳудудларида яхши қайфият билан ўтказишдан иборатдир.

30 сентябрь куни вилоят бўйича 130 нафар ўқитувчи Навоий шаҳридаги «Мароқанд» чойхонасига наҳорги ошга таклиф этилади. Ёшларни Ватанга, халқимизга хизмат қила оладиган, юксак маънавий қадриятларимизга мос равишда тарбия бераётган 12 нафар ўқитувчини Давлат мукофотига тавсия этганмиз. Бундан ташқари, вилоят бўйича 45 нафар нафақадаги кекса ўқитувчи хонадонларига борилиб, уларни байрам билан табриклаб, совғалар топширилади.

Байрамнинг асосий тантанаси 1-октябрь куни эрталаб Навоий шаҳрининг Халқлар дўстлиги шоҳкўчасидаги «Фарҳод» маданият саройида бўлиб ўтади. 300 нафар ўқитувчи ва мураббийларга қимматбаҳо совғалар топширилади. Шундан сўнг Навоий шаҳрининг истироҳат боғида байрам сайили бошланади. Бу ерда «Устозга таъзим» дастури асосида катта концерт ва бошқа кўнгилочар томошалар кўрсатилади. Шунингдек, сайил томошалари Нурота туманининг Эргаш Жуманбулбул, Хатирчи туманининг маданият ва истироҳат боғларида ҳам қизғин тус олади.

— Байрам шарафига қандай спорт мусобақалари уюштирилади?

— Биз бу йил ўқитувчи ва мураббийлар байрамига қизғин тайёргарлик кўрдик. Яқинда Навоий туманининг С.Раҳимов номли 8-мактаб ўйингоҳида вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси ва Навоий тумани халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда «Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами»га бағишланган ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида енгил атлетика, волейбол, баскетбол, шахматашка, стол тенниси ва арқон тортиш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Бундан ташқари, республикада ягона «Интилиш» спартакиадасининг футбол бўйича финал ўйинлари 10 та жамоа ўртасида 30 сентябргача бўлиб ўтади.

— Азамат ака, илк бор қўлингизга қалам тутқазган ўқитувчингиз ҳақида икки оғиз гапирсангиз.

— 1964 йил 1 сентябрь куни илк бор қўлимга қалам тутқазиб устозлик меҳр нурини сочган инсон, Нурота туманининг«Оқтепа» қишлоғидаги бошланғич синф ўқитувчиси Комил Остонов эдилар. У кишини барча Комил муаллим деб атарди. У киши шогирдларига чуқур меҳр билан сабоқ берардилар. Домламиз ўша кезлардаёқ миллий қадриятларимизни акс эттирадиган «Алпомиш», А.Темур ҳақида қизиқарли кичик суҳбатлар ўтказиб турардилар.

Мен фурсатдан фойдаланиб «Маърифат» рўзномаси таҳририятини ва устоз мураббийларни байрам билан табриклайман.

Суҳбатни журналист Ўткир ПЎЛАТ ёзиб олди



ЖАРАЁН ТАДҚИҚ ЭТИЛАДИ

(Боши 1-бетда)

— Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфи учун Абдусаттор Қорабоев, Бахтиёр Каримовларнинг синов қўлланмаси шаҳар илм масканларида ўтган йилдан буён синалмоқда, - деди мактаб раҳбари, Узбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Дилбар Азимова.

Дарҳақиқат, «Бошланғич таълим» журнали Б.Каримовнинг 18 та машғулотини кетма-кет тажриба-синов тариқасида эълон қилди. Бу тажрибалар муаллимлар томонидан илиқ кутиб олинди.

— Тажриба-синовларни, таъбир жоиз бўлса, тафаккур усули десак тўғрироқ бўлади, - деди Б.Каримов, - чунки жараённи тадқиқ қилишдан олдин шу соҳага доир энг мақбул иш услуби белгилаб олинади, чуқур таҳлил қилинади. Синов мавзусига оид адабиётлар, қўшимча манбалар, ғоялар, тажрибалар ўрганиб чиқилади. Биз ҳозир жуда кўп манбалардан фойдаланяпмиз. Келажакда тажриба-синов раҳбари, иқтисод фанлари доктори, профессор Нутфулла Ҳўжаев, педагогика фанлари номзоди, доцентлар Зуҳра Валиева, Ёрқин Муҳибовлар билан ҳамкорликда тажриба-синовни умумлаштириб, 8-9-синфлар учун дарслик ёзиш ниятимиз бор.

Айни кунда мактабда 9-синф учун мўлжалланган «Иқтисодий билим асослари» қўлланмаси вақтинчалик дарслик вазифасини ўтамоқда. Унга умумий ўрта таълим мактаблари учун иқтисодий таълим синов дастури асосида қўшимчалар киритилади, тўлдирилади. Жараёнда фикр ва мулоҳазалар инобатга олинади.

Бироқ, мазкур фанга ўғил-қизларнинг муносабати қандай бўлаётир? Улар шу кунга қадар қандай янгиликлардан воқиф бўлишди? Узбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш зарурияти нималардан келиб чиқади?

Биз Бахтиёр Каримовнинг 9-«Г» синфидаги «Узбекистондаги иқтисодий сиёсат ва иқтисодий ўзгаришлар» мавзуидаги бир соатлик дарсида иштирок этиб, ана шу каби саволларни ўртага ташладик. Ўқувчилардан М.Нигматиллаева, З.Шаропов, О.Носировлар мавзу юзасидан ҳамда қўшимча берилган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Эътироф этиш керакки, илм масканида ўғил-қизларда «Иқтисодий билим асослари» фанига қизиқиш ниҳоятда кучли экан. Улар саволларга бийрон-бийрон жавоб беришиб, кези келганда, тушунчалар устида таҳлилий фикр юритишди, билимларини ҳаётда қўллаш борасидаги амалий таклифларни ҳам билдиришди. Кувончлиси, мактабда ўқувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига яраша билим берадиган фидоий ўқитувчилар бор. Энди гап фақат ҳар бир ўтилган мавзуни олимлар, мутахассислар билан бамаслаҳат қоғозга туширишда, тушунчалар юзасидан хулосалар беришда қолди. Хуллас, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 203-қарорига мувофиқ, Чилонзор туманидаги 138-мактабда ташкил этилган «Иқтисодий билим асослари» фани дастурини синовдан ўтказиш майдончаси»да фаолият кўрсатаётган устозлар олдида ҳали кенг қўламли вазифалар турибди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

Суратларда:
1. Илғор ўқитувчи Бахтиёр Каримов 9-«Г» синф ўқувчиларидан Одилжон Носиров ва Комила Дадамуҳамедоваларнинг ўзаро мунозарасини кузатаяпти.
2. Ўқувчилар доимо бирор янгилик топиш ҳаракатида бўлишади.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар

«ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛДИ»

Китоб туманидаги 2-лицей интернат бу йил илк бор ўз қалдирғочларини учирма қилди. Хўш, уларнинг айни кундаги тақдири қандай? Битирувчиларнинг нечтаси талаба бўлишди? Нечтаси кўча чангитаяпти?

Махсус мухбиримиз худди ана шу саволлар билан лицей интернат директори Алимардон Норовга мурожаат қилди:

—Билим даргоҳимиз ижтимоий фанлар ва инглиз тилини чуқур ўрганишга йўналтирилган. Энг аввало шуни айтиш лозимки, айни кунда илм масканимизда таълим-тарбия олаётган 120 нафар ўқувчига керакли барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ўринда жамоамиз аъзолари Китоб тумани ҳокимлигига ва халқ таълими бўлимига самимий миннатдорчилик билдирадилар. Ўтган ўқув йилида илм масканимизни 58 нафар ўқувчи битирди. Булар бизнинг илк қалдирғочларимиз...

Хуллас, битирувчиларимиздан 46 нафари олийгоҳларга, 4 нафари эса ҳуқуқшунослик коллежларига ўқишга киришди. Ўқишга кирган 50 нафар талабамиздан 45 нафари давлат гранти асосида, 5 нафари эса мақсадли қабул асосида ўқишга қабул қилинди. Аниқ рақамлар билан айтадиган бўлсак, битирувчиларимизнинг 86,2 фоизи талаба бўлиш бахтига муяссар бўлди.

Илк натижаларимиз бизни тўла қаноатлантирмасада, бизни қувонтирадиган фактлар ҳам йўқ эмас. Битирувчимиз Дилноза Бердиева тест синовларида роппароса 200 балл тўплаб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг тил-адабиёт қўллиётида энг юқори кўрсатгичга эришди. Лицейимиз она тили ва адабиёти, тарих ва ҳуқуқшунослик, инглиз тили йўналишида бўлса-да, битирувчиларимиздан 5 нафари математика асосий фан ҳисобланган олийгоҳларга ўқишга киришди...

Озми-кўпми эришилган ютуқларда тарих ва ҳуқуқшунослик фанлари муаллимлари Ғани Ашуров, Сиддиқ Жониев, Рисолат Исроилова, математика фани муаллими Муҳаммади Сатторовларнинг хизматлари катта. Бу ўринда лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси Холиқ Рўзиевнинг номини алоҳида тилга олмоқ керак. Ана шу фидоий инсон ўттан ўқув йилида 15 нафар ўқувчини тайёрлаган бўлса, уларнинг 13 нафари айни кунда олийгоҳ талабаларидир.

Жорий ўқув йилимизда ҳам лицейимизни 47 нафар ўқувчи битиради. Педагогик жамоамиз аъзолари битирувчиларни 100 фоиз талаба бўлишига эришиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Қачон ана шу кўрсатгичга эришсак, ана ўшанда мақсадга тўлиқ эришган бўламиз.

Суҳбатни «Маърифат»нинг махсус мухбири Абдували ОБИДДИН уюштирди

«Ватан - истеъдодлар бешиги»

Дарҳақиқат, шундай. Дунёга қанча-қанча буюк даҳоларни етказиб берган туркийзамин, бугунги кунда ҳурлик байроғини баланд кўтарган Она Узбекистон истеъдодлар бешигидир. Бу истеъдодлар орасидан келажакда Абу Райҳон Беруний, Ал Хоразмий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Фаробийу Алишер Навоийдек жаҳон тан оладиган даҳо мутафаккирлар етишиб чиқса ажаб эмас.

Узбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси худди шундай яхши ниятлар билан ёшларнинг миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, уларнинг иқтидору имкониятларини эзгу ва улуғ мақсадларга йўналтириш мақсадида мустақиллигимизнинг етти йиллигига бағишланган «Ватан—истеъдодлар бешиги», «Касбим фахрим», «Куч билим ва тафаккурда», «Ихтиро қил, синаб кўр ва тадбиқ эт», «Узбекистоннинг XXI аср бошидаги истиқболи замонамиз Улуғбеклари тасаввурида», «Узбек давлатчилигининг пойдевори, тараққиёт босқичлари ва келажак истиқболи» каби турли йўналишлардаги кўрик - танловларни эълон қилган эди. Бу нарса ҳақиқатан ҳам Ватанимиз ёш истеъдодларга ниҳоятда бой эканлигини кўрсатади. Кўрик танлов ҳайъатига ёш ихтирочилар, тадқиқотчилар, рационализаторлар, тасвирий санъат, меъморчилик, ҳайкалтарошлик ишлари, ёш шоирлар ва ёзувчиларнинг шеър ва ҳикоялари, публицистик асарлари, ёш олимларнинг илмий ишлари оқиб кела бошлади. Шуниси қувонарлики, бу истеъдодлар орасида мактаб ўқувчиси ҳам бор, талаба ҳам бор, ўқитувчи ҳам, ёш мутахассису илмий ходим ҳам бор. Қабул ҳайъати томонидан бадиий пухта, илмий асосланган, ҳар томонлама етук асарлар якуний босқичга саралаб олинди. Танлов ғолиблари 28 сентябр куни эълон қилинади. Бу ҳақда газетамизнинг кейинги сонларида ҳикоя қиламиз.

Мухбиримиз

ҲОЗИРЛИК

Кеча Халқ таълими вазирлигида «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» умумхалқ байрамига тайёргарлиқнинг боришига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни халқ таълими вазири Жура Йўлдошев бошқарди.

Тошкент шаҳрида байрам муносабати билан қўрилаётган тараддуд хусусида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Эркин Эрназаров маъруза қилди.

Узбекистон халқ таълими вазирининг биринчи муовини Йўлдош Саиджонов байрам дастури ва белгиланган тадбирлар тўғрисида сўзлади. Дастурга кўра катта тантанага таклиф этилган устозлар музейларга ташриф буюрадилар, улар бевосита мулоқотларда иштирок этадилар. Шунингдек, устозлар биргаликда «Отамдан қолган далалар» фильмини томоша қиладилар. Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-текшириш институти боғида эса ўқитувчи ва мураббийлар учун «Мулоқот оқшоми» ташкил қилинади.

Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Отаназар Матёқубов ўтказилажак маданий-маърифий дастурлар хусусида сўз юритди. Шунингдек, Халқ таълими вазирлигининг байрамга тайёргарлик учун масъул ходимларининг ахборотлари ҳам тингланди.

Йиғилишда Узбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари Уткир Раҳматов иштирок этди.

Мухбиримиз

МАҚСАДИМИЗ - ЮРТ РАВНАҚИ

Республикамизда бутун ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси, инсон ҳуқуқларининг муҳофазасига доимий эътибор бериб келинмоқда. Юртбошимиз томонидан бу масалаларга биринчи даражали аҳамият берилмоқда.

Шу ўринда фуқаролар, улар оилаларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан бевосита шуғулланадиган, мамлакатимизда энг оммавий жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмаларидаҳақида тўхталиш жоиздир. Касаба уюшмалари жуда катта куч - ҳозирги даврда 24 млн. республика аҳолисининг 7,5 млн нафари касаба уюшмаси аъзосидир. Шулардан таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси 1,2 млн. аъзодан ташкил топган. Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси қўмиталари вилоятларда республикамиз «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ҳамда тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг Устави, Марказий қўмитанинг кўрсатма ва қарорларига кўра, жойлардаги тааллуқли поғонадаги раҳбарлар, маҳаллий ҳокимият ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда соҳа ходимлари, талаба-ёшлар, фахрийлар, улар оилаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ижтимоий-иқтисодий маънодаги адресли ҳимояси билан шуғулланишади. Бу дегани - улар маошларининг ўз вақтида тўланиши, иқтидорли, аҳлоҳ ва меҳнатсевар талабаларга, ходимларга бюджетдан ташқари маблағдан маошларига қўшимча ҳақ берилиши, овқатланиш нархини арзонлаштирилиши, ўқув юртларида меҳнат муҳофазаси бўйича кафедраларнинг ташкил этилиши, ходим ва талабаларни соғломлаштириш ва дам олиши, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришда фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Мустақилликка эришилган давр мобайнида давлатимиз ёшлар сиёсати, таълим-тарбия тизимига доир аҳамиятли ислоҳотларни амалга оширди ва оширмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда Тошкент авиация, Навоий кончилик, Самарқанд чет тиллар каби 8 та олий ўқув юртлари, 300 га яқин янги типдаги ўқув муассасалари, лицей, гимназиялар ташкил этилди. Тошкент иқтисодиёт университети қошида олий бизнес мактаби, молия институтида солиқ хизмати мутахассисларини тайёрлаш Маркази, ўқувконсалтинг марказлари, республикамизнинг турли ҳудудларида 5 та банк коллежлари ва бошқалар ташкил этилди.

Бозор иқтисодиёти ўқув муассасаларининг касаба уюшмалари олдига талаба-ёшларнинг иқтисодий ҳимояланиши борасида муайян талабларни қўйди. Тармоқнинг ижтимоий муҳофазаси мақсадида республиканинг қатор олий ва ўрта махсус ўқув юртларида давлат бюджетидан ташқари маблағ топишнинг шакли ва усуллари қўлланмоқда. Ҳозирги даврда улар қошида 90 га яқин кичик, 3 та қўшма корхона, 2 та технопарк, 5 та тадбиркорлик марказлари, ўқитиш қурслари иш олиб бормоқда. Айрим олий ўқув юртларида бундай ишлаб топилган маблағлар стипендияларга қўшимча тўловлар, номзодлик ва ҳомийлик стипендияларнинг тайинланишига, овқатланиш нархини пасайтириш, соғломлаштириш ва ҳордиқ чиқаришнинг тадбирларини такомиллаштиришга имкон бермоқда.

Маълумки, республика Олий Мажлисининг 1Х сессиясида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», сўнг бу ҳужжатларга асосланган «Узбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида», «Узбекистон Республикасида ўрта махсус, касбҳунар таълимини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида» каби ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Шу маънода бир масала алоҳида эътиборга молиқдир. Бу - жамиятимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий, мафкуравий тушунчаси ва тарбиясига тегишли масаладир.

Хусусан, «Тафаккур» журналининг 2-сонида юртбошимизнинг журнал бош муҳаррири саволларига жавоблари айнан шунга, яъни жамиятимизнинг маънавий-маърифий ривожи ва истиқболи, таълимнинг янги модели асосида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали, ички ва ташқи дунёси узаро уйғун, баркамол инсонни вояга етказиш вазифасига қаратилган. Президентимиз таъкидлаганларидек, «бугун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади... Куч - билим ва тафаккурдадир».

Таълим ва фан соҳасининг ўзига хослиги шундаки, бу ерда бевосита талаба ёшлар, ўқувчилар, уларнинг таълими ва тарбияси билан шуғулланувчи ходимлар билан ишлашдир.

Наманган воқеалари аҳоли ва ёшларимиз орасида мафкуравий ва тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш лозимлигини кўрсатди. Мазкур йўналишда Марказий қўмита муайян ишларни амалга оширмоқда. Бу борада Марказий қўмитанинг «Тармоқ ходимлари, талаба ёшлар, ўқувчилар, хотин-қизлар орасида мафкуравий ва тарбиявий ишларни такомиллаштиришга йўналтирилган тадбирлар режаси» ишлаб чиқилди ва вилоятларга татбиқ этиш учун юборилди.

Ўқувчи ва талаба ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси борасида Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда муайян ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг октябрь ойида ОУМТ вазирлиги билан ҳамкорликда Бухоро шаҳрида талабалар ўртасида ўтказилган республика «Маънавият - қалбим қуёши» кўрик-танловининг, жорий йилнинг 11-13 июнида Наманган шаҳрида ОУМТ ўқув юртлари тизимида «Узбекистон қўшиқ байрами» якуний босқичлари бўлиб ўтди. Шу каби тадбирлар ХТВ билан ҳам доимий равишда ўтказилиб туради.

Таълим тизимида жорий йилдаги муҳим бир масалага тўхталмоқчи эдим.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1998-99 ўқув йилининг 1 сентябридан бошлаб ўрта умумий таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашнинг пуллик шакли жорий этилди.

Ҳукуматнинг мазкур қарорини бажариш бўйича Узбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси 1998 йил июндаги Раёсатида «Кам таъминланган тармоқ ходимлар фарзандларини ўқув дарсликлари билан таъминлаш тўғрисида» ўзининг қарорини қабул қилди. Марказий қўмитанинг мазкур қарорини бажариш бўйича муайян ишлар бажарилди. Барча вилоят касаба уюшмаси қўмиталари кам таъминланган тармоқ ходимлари фарзандларини ўқув дарсликлари билан таъминлаш борасида, қарорнинг моҳияти ҳақида ота-оналар, педагоглар, жамоатчилик ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бордилар, аниқ тадбирлар ишлаб чиқдилар.

Шу давргача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри касаба уюшмалари қўмиталари кам таъминланган тармоқ ходимлари учун китоб савдоси идораларига 10 миллиондан ортиқроқ маблағ ўтказдилар ва 9 мингта яқин комплект ўқув дарсликлари олиб бердилар.

Тасарруфдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари касаба уюшмаси қўмиталари эса 2 миллиондан ортиқ пул ўтказиб, 1.5 мингдан ортиқроқ ўқув дарсликлари комплекти олиб бердилар.

Касаба уюшмаси фаолларининг малакасини ошириш, касбий савияси-ни кўтариш мақсадида ҳудудий ўқув семинарларининг биринчи даври 1996-97 йиллари ўтказилди. Жорий йилда эса юқорида тилга олинган 2 та муҳим ҳужжатни ҳаётга тадбиқ этишда тармоқ касаба уюшмасини вазифалари мавзусидаги ўқув машғулотларини ҳудудий тарзда мавсумий ўтказилиши режалаштирилди ва март ойида бундай ўқув Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри ҳамда Фанлар академияси, апрель ойида Бухоро шаҳрида Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари Қорақалпоғистон республикаси, июнь ойида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тармоқ касаба уюшмаси фаоллари, ОУМТ вазирлиги ўқув юртлари қўмиталарини раислари учун вилоят ҳокимлари муовинлари, Халқ таълими ҳамда ОУМТ вазирликлари, Узбекистон фанлар академиясининг вакиллари, ОУЮ ректорлари, вилоят «Маҳалла» жамғармаларининг раислари, вилоят прокуратураси, адлия бошқармаси ва бошқа ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирокида ўтказилди. Бундай ўқувлар йилнинг охиригача Фарғона водийси ва Сирдарё вилоятларида бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Мамлакатимиз раҳбарияти ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этиш йўлида белгилаган вазифалари улкан ва истиқболли бу йўналишда давлат ва жамоат ташкилотлари биргаликда фаолият кўрсатиши керак, зеро, юртбошимиз таъкидлаганидек, «фарзандларимиз, келажак авлодлар бизнинг шу ўлкани, шу мукаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун .... лозим бўлган ҳамма ишни қилиш бизнинг фуқаролик бурчимиздир».

И. АБДУҒАНИЕВ, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси

Mulohaza, taklif

МУСИҚА ҲАМ ТАРБИЯ

Мен Ғаллаорол тумани Маржонбулоқ шаҳридаги Маржонбулоқ олтин қазиб олиш конига қарашли болалар боғчасида мусиқа машғулотини олиб бораман. Шу билан биргаликда мусиқа мактабида ҳам болаларга сабоқ бериб келаман. Тан олиб айтишим керакки, болаларимиз ниҳоятда санъатга чанқоқ. Рақс санъатими, қўшиқми, мусиқами, театр санъатими... ҳамма-ҳаммасини ўрганишни жон дилдан севишади. Фақат биз педагоглар уларнинг мурғак қалбларига йўл топа олишимиз, фидойилик билан ишлашимиз, моҳирлик билан сабоқ бера билишимиз лозим, холос.

Шу ўринда болалар санъатининг бугунги аҳволи, уни ривожлантириш ва яхшилаш борасида ўз фикр-мулоҳазаларим ҳамда таклифларимни ўртоқлашишни лозим топдим. Фикримча, болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, мусиқа ва санъат мактаблари, мусиқа билим юртлари учун чиқарилган мусиқа дастурлари бугунги кун талаби даражасида эмас ва бу соҳада фидойи мутахассислар кам. Бошланғич синфларда мусиқа фанини мусиқа бўйича мутахассислиги бўлган педагоглар ўтиши шарт қилиб қўйилмаган, яъни бу синфларда мазкур фандан синф раҳбари машғулот ўтади. 9-синфдан сўнг эса, умуман мусиқа дарси ўтилмайди. Нега? Бизда ўсмирлар қўшиқ айтмайдими? Ўсмирлар учун яратилган қўшиқлар ҳам жуда-жуда кам.

Дейлик, республикамизда Бастакорлар уюшмасига аъзо бўлган 130 дан ортиқ ижодкор бор. Уларнинг ҳар бири йилига атиги биттадан болалар учун қўшиқ яратсалар, 130 та қўшиқ юзага келади. Лекин, санаб келсангиз жами болалар қўшиқларининг энг саралари 130 дан ошмайди.

Телевидение ва радио орқали ўргатилаётган қўшиқлар ноталари «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» дастури орқали бериб борилса мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳар қандай мутахассис ўқитувчи ҳам 2-3 овозли қўшиқни нотасиз мукаммал ўргана ва ўргата олмайди.

Олтинга бой Ўзбекистонимизнинг олтини тўғрисида ҳам қўшиқлар яратилса, бизнинг олтин ишлаб чиқариш корхоналари ва заводларида ишловчи ота-оналарнинг болаларига шундай қўшиқлар ўргатиб боришдек орзумиз амалга ошган бўларди.

Абдужалил ДОНАБОЕВ, Маржонбулоқ шаҳридаги «Марварид» болалар боғчаси мусиқа раҳбари

(Боши 1-бетда)

миллий қадриятлар, санъат арбоблари ҳақида қатор мақолалар жой олган. Таҳририятимиз аъзолари, асосан, санъатшунос ва мусиқашунос олимлардан иборат. МДҲ ва чет элларда махсус мухбирларимиз ҳам бор.

— Кечирасиз, нашрингизни молиявий жиҳатдан ким таъминлайди?

— Газетанинг ҳар бир сони муассисимиз ва ҳомий ташкилотлар маблағи ҳисобига чиқмоқда. Яқинда Алматида даврий матбуот нашрлари ўртасида бўлиб ўтган очиқ танловда газетамиз маданият соҳаси бўйича Сорос-Қозоғистон жамғармаси грантига сазовор бўлди. Бу эса таҳририятимизнинг техник базасини яхшилаш имконини беради, албатта. Мана «НМГ»нинг охирги сонлари ҳам «Астана Медсервис» ва Сорос-Қозоғистон жамғармаси ҳомийлигида чоп этилди.

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ТАШАББУСИ ДАВОМ ЭТСА ...

— Ўзбекистонлик санъаткорларга тилагингиз?

— Юртингизда илк бор ўтказилаётган ушбу фестивал мусиқа оламида янги номларни кашф этмоқда. Ажаб эмас, узбекистонлик ҳамкасбларимизнинг ана шу ташаббуси бошқа давлатларда ҳам давом эттирилса ва шу тариқа учрашувлар анъанавий фестиваллар сирасига айланса. Истардимки, узбекнинг, умуман Шарқнинг симфоник ва камер мусиқаси дунёнинг машҳур концерт залларида ҳам ижро этилиб, катта эътирофга сазовор бўлсин.

Шаҳсан ўзим Бош муҳаррир сифатида «НМГ» саҳифаларида Тошкент фестивалини батафсил ёритишга ҳамда узбек симфоник ва камер мусиқа асарлари билан қозоғистонлик, чет эллик мухлисларимизни таништиришга ваъда бераман.

— Самимий истакларингиз учун миннатдорчилик билдирамиз.

Суҳбатни Нурлан УСМОНОВ ёзиб олди

МЕҲР МУҲР ТОПАДИ

Муаллим ҳақида сўз демоқ ҳамиша мароқли. Чунки, улар гарданидаги юк шунчалар сарбаландки, бу юксакликнинг ҳар бир қаричи келажакка йўл солади. Сурхондарёнинг олис бир мактабида болаларга сабоқ бераётган Момохол опа ҳақида гап кетганда шу нарсалар хаёлимдан ўтаверади. Яқинда Момохол опа билим берган ўқувчи, Жасурбек Чориев Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ўқишга кириб, икки йилдан бери Америкада таҳсил олаётганини, таътилга келиб Момохол опа билан учрашиб , унга миннатдорчилик билдирганини эшитиб кўнглимдан кечганларини қоғозга туширдим.

Момохол Эшпўлатова 28 йилдан буён Шўрчи туманидаги Собир Раҳимов номли 36-мактабда ўқувчилар кўнглига она-тили ва адабиёт сир-синоатларини муҳрлаб келади. Момохол опани билган ва кўрганлар у кишининг мактаб, ўқувчим деб куйиб, ёниб яшашларини кўриб қувонадилар. Интилганга толе ёр дейишади. Фидоийлик билан меҳнат қилган Момохол Эшпўлатова 1983 йилда «Катта ўқитувчи» унвонига сазовор бўлди.

Ўқувчисининг камоли ўқитувчи учун энг катта бахт. Мактабни битирган ўқувчиларининг кўпчилиги бугун ўзи билан бирга дарс бермоқда. Ўқитувчиларидан муаллимлик сирини ўрганмоқдалар.

Олий тоифали ўқитувчи оилада турмуш ўртоғи Умрқул Собирқулов билан бирга 6 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Шухратжон беморлар дардига дармон бўлиб, уларнинг оғирини енгил қилувчи шифокор, Бахтиёржон инженер, Комилжон Ватанимиз тинчлигининг посбони, чегара улка Термизда катта лейтенант бўлиб хизмат қилмоқда. Мавжудахон ва Ферузахонлар онаси билан бирга мактабда мустақил юртнинг ёшларига таълим - тарбия бермоқда. Кенжатой Маҳфуза журналист бўлиш орзусида.

— Ҳукуматимиз томонидан яқинда қабул қилинган«Таълим тўғрисида» ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» биз ўқитувчиларни янада кўпроқ ўз устимизда ўқиб ўрганишга ундади, мустақил юртнинг келажаги бўлган дилбандларимизни жаҳон андозаларига мос қилиб тарбиялашимиз учун муҳим дастуриламал бўлди,- дейди Момохол Эшпўлатова.

Мустақил юртимиз тараққиётида ёшларнинг ўрни катта. Уларга таълим берадиган устозлар олдида ҳам катта масъулият бор. Муаллим, аввало, ижодкор бўлмоғи лозим. Момохол Эшпўлатова ўқитувчилик қилаётган даргоҳда ҳар бир тадбир ва байрамлар у кишининг ташаббускорлиги ва ижодкорлиги билан ўтказилади. Ёшларни эл-юртга муҳаббат, ўзлигига ҳурмат, миллий ғурур руҳида тарбиялашда Момохол опа каби мураббийларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Йиллар ўтади. Ўқитувчи илм берган болалар миллатни миллат, халқни халқ қилишда ўз хизмат ва билимларини аямайдилар. Ва кунлар келиб ўқитувчиларини ҳурмат ва эҳтиром билан эслайдилар. Момохол опа ана шундай эҳтиромга сазовор бўлган ўқитувчидир.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

ХАБАРЛАРИ ☎ МММ

YOSH TEXNIKLAR POYTAXTDA

Yaqinda Respublika texnik ijodiyoti Markazida Respublika bolalar texnik ijodiyoti ko'rgazmasi bo'lib o'tdi. Ko'rgazmada viloyatlar va Toshkent shahridan jami 100 dan ziyod modellar va maketlar namoyish etildi. Qoraqalpog'iston Respublikasi, Jizzax va Navoiy viloyatlaridan jamoalar ishtirok etmagi. Toshkent, Samarqand, Surxondaryo viloyatlari vakillariga sovrinli o'rinlar nasib etdi.

L.TO'XTAYEVA

MAKTAB TADBIRKORLIK YO'LIDA

Ayni baxtiyor kunlarimizda hamma jabhalarimizda, jumladan xalq ta'limi sohasida ham u yoki bu yo'nalishda tadbirkorlik ishlari amalga oshirilayotir.

Chiroqchi tumanidagi A.Navoiy nomidagi maktab jamoasi ham o'tgan yili 8 bosh echki sotib olishgan edi. Yil o'tib echkilar soni 20 boshdan oshdi.

A.OBIDDINOV

O'QUVCHI YOSHLAR MARKAZLARIDA

Andijon viloyat yosh tabiatshunoslar markazida, o'quvchilar ijodiyoti markazi va yosh sayyohlar markazlarida Andijon Davlat universitetining olimlari, o'qituvchilari, XTBlarning uslubchilari, soha mutaxassislari bilan uchrashuvlar bo'lib o'tdi. Bunday tadbirlarda kasb-hunar ta'limiga bo'lgan e'tibor o'z ifodasini topmoqda.

S.KELDIYEV

KITOBXONLAR ANJUMANI

Farg'ona viloyati Uchko'prik tumanidagi 9-maktabda «Kitobxonlar anjumani» o'tkazildi. Tadbirni kutubxona rahbari Dildora To'ychiyeva tashkillashtirdi. Anjumanni o'tkazishdan asosiy maqsad o'quvchilarni yangi adabiyotlar bilan tanishtirish va ularda kitoblarga bo'lgan mehrni kuchaytirishdan iborat.

Ilg'or ishtirokchi o'quvchilar yangi nashr etilgan kitoblar bilan taqdirlandilar.

S. MADRAHIMOVA

МММ ☎ ХАБАРЛАРИ

YANGI IMKONIYATLAR OCHILDI

AQSH hukumati bilan axborot agentligi hamkorlikda yangi dasturni e'lon qildi. Ushbu dastur ochiq tanlovda, dolzarb muammolarni o'rganish uchun «Ozodlikni qo'llab-quvvatlash» grantlarini olish imkonini beradi. O'zbekistonlik olimlar va mutaxassislar 3 yoki 6 oy davomida AQSHda ilmiy tadqiqotlar o'tkazishi mumkin, shuningdek barcha harajatlarni AYREKS o'z zimmasiga oladi.

F.RAHIMOV

ГИГИЕНИК ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Гигиеник тарбия болалар тарбиясининг муҳим қиррасидир. У боланинг жисмонан ва маънан баркамол бўлиб етишишида беқиёс аҳамият касб этади. Мухбиримиз Тошкент врачлар малакасини ошириш институти «Соғлом турмуш тарзи» кафедрасининг катта ўқитувчиси Тоҳир Абдуваҳоб Абдураҳим ўғли билан эндигина болалар боғчасидан мактабга йўл олган биринчи синф ўқувчиларининг гигиеник тарбиясининг аҳамиятли жиҳатлари тўғрисида суҳбатлашди.

— Тоҳир ака, болаларнинг гигиеник тарбиясида асосан нималарга эътибор бериш лозим?

— Гигиеник, яъни поклик, тозалик, озодалик, ақлий, ахлоқий, маънавий, қолаверса, жисмоний, эстетик ҳамда меҳнат тарбияси узаро узвий боғлангандир. Болаларни ҳар куни эрталабки бадан-тарбия машқларини бажаришга, сунгра юз-қўлини, буйнини водопровод сувида ювишга, тишларини мисвок(тиш чўткаси!) билан ювишга одатлантиришимиз шартдир. Совуқ сувда ювинишга одатланиш, болани чиниқтиришдан ташқари, унинг марказий асаб тизими фаолиятини ҳам фаоллаштиради. Қўл ювиш одатига келсак, нафақат ҳар гал овқатланишдан олдин, хатто уй вазифаларини бажаришдан олдин ҳам эринмасдан ювиш фойдадан ҳоли эмаслигини уқтириш лозимдир. Ифлосланган дафтар-китоблар фақат бола кайфиятига салбий таъсир қилибгина қолмай, дарсларни яхши узлаштиришига ҳам зиён етказиши мумкин.

Мактабга борган болаларнинг ҳаёт тарзлари ҳам ўзгаради. Эндиликда у фикрини бир жойга тўплаш, вақтини тўғри тақсимлашни билиши керак. Оддий чарчаш оқибатида бош мия фаолиятида функционал ўзгаришлар содир булади. Бу ҳолат озгина дам олгач еки уйқудан сўнг асоратсиз ўтиб кетади. Лекин ўта чарчаш содир бўлганида эса мияда органик ўзгаришлар оқибатида салбий ўзгаришлар бўлиши мумкин. Тўғри ташкил қилинган кун тартиби негизида илмий асосланган меҳнат ва дам олиш мутаносиблиги етади. У боланинг ўсиши ва ривожланишига самарали таъсир кўрсатади, болада қатъий характер шакилланади. Хуллас, вақтида ухлаш, уйқудан ўз хоҳиши билан эрта уйғониш, режали овқатланиш, катталарга уй-рўзғор ишларида ёрдамлашиш, китоб ўқиш, фаол дам олиш одат тусига киради.

— Бу ўринда овқатланишнинг ҳам аҳамияти борми?

— Ейиладиган овқат таркибидаги турли озиқ моддалар сарфланган қуч ўрнини қоплаши ва ўсаётган тана учун пойдевор бўлиши шартдир. Асосий овқат маҳсулотлари таркибига — оқсиллар, ёғлар, карбон сувлар, минерал сувлар ва дармондорилар (витаминлар) киради. Овқатда тўла қимматли оқсилларнинг (гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тухум, балиқ) натижасида бола танасининг ўсиши орқада қолиб, яхши ривожланмайди, тана вазни камайиб, боланинг турли юқумли касалликларга, шамоллашларга қаршилик кўрсатиш қобилияти пасайиб кетади. Натижада беҳоллик, тез чарчаш, ишлаш қобилияти, дарсларни ўзлаштириш кескин пасайиб кетиши кузатилади. Шу билан бирга овқатда оқсилларнинг керагидан кўпайиб кетиши ҳам бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатади:

— Биринчи синф ўқувчиларининг кўп тартибида яна нималар муҳим деб ҳисоблайсиз?

— Мактаб ёшидаги болаларнинг кўпроқ очиқ ҳавода бўлиши лозимлигини унутманг. «Сайрсиз утган кун-йўқотилган соғлиқдир» деган экан таниқли болалар шифокори, профессор А. Кисель. Фарзандингиз камида 3 соат очиқ ҳавода бўлиши, шунда ҳам ҳаракатли ўйинлар ўйнаши лозим. Очиқ ҳавода ҳаракатли ўйинлардан кейин боланинг дарсларни ўзлаштириши яхшиланади. Уйқу олдидан сайр қилган бола тез уйқуга кетади ва мириқиб тинчгина ухлайди.

Биринчи синф ўқувчисининг машғулотларга сарфлайдиган вақти ўртача 4—5 соат давом этади, шундан 1-1,5 соати уй вазифаларини бажаришга кетади. Боланинг диққат-эътибор бериб ишлаш лаёқати 30-40 дақиқадан ошмаслигини ҳисобга олиб, ҳар ярим соатда унга 10—15 дақиқа танаффус бериш шартдир. Шуни унутмаслик лозимки, боладан кун тартибига қатъий риоя қилишни талаб қилиш билан бирга, уйдаги барча катталар унга бу борада ёрдам беришлари фарздир.

Зубайда УСМОНОВА суҳбатлашди

Tahlil

МАЪРИФИЙ ҚАДРИЯТЛАР — ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ОМИЛИ

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»да таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни талаблар даражасига кўтариш, кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш асосий мақсад қилиб олиниб, уни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белгилаб берилди. Президентимиз И.А. Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавобларида таъкидлаганидек: «Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шакилланишига олиб келади. Узининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам... ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди».

Демак, бугунги кунда ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол инсон сифатида шакллантириш таълим-тарбия тизимининг долзарб вазифаларидандир.

Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида», «Давлат таълим стандартларини тузиш тўғрисида», энг муҳими, Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда «Умумий ўрта таълим тўғрисида»ги Низом таълим тизимини янги сифат даражасига кўтаришга мўлжалланган ҳужжатлардир. Уларда, асосий эътибор баркамол шахс тарбиясига йўналтирилган.

Ҳозирги янгиланаётган жамиятнинг ривожланиши жараёнида «Инсон — ижодкор шахс» сифатида баҳоланмоқда. Ўз навбатида инсонга жамиятнинг мавҳум бир зарраси деб эмас, балки дунёни ўзгартирувчи куч, ижодкор, эркин шахс сифатида муносабатда бўлишни талаб этмоқда. Ана шундай ёндошиш инсонни пировард натижада замон талаби даражасида камол топган — **мутелик**дан, маънавий қашшоқликдан холи, Ватан, миллат, давлат манфаати йўлида фаолият кўрсатувчи шахс сифатида камолга етишига олиб келади.

Миллий тикланиш мафкураси шаклланаётган, жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит сўғломлашаётган, миллий қадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эрки тикланаётган бир шароитда баркамол инсон — бу ўзида ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий хислатлар мажмуини мужассамлаштирган, жамиятда ўзлигини ва ўз қобилиятини ҳар томонлама намоён эта оладиган, ахлоқан пок, жисмонан соғлом, ҳаёт гўзалликларини ҳис эта оладиган шахсдир.

Шахсга бундай қараш ҳозирги даврда катта аҳамиятга эга ва амалда инсон шахси тарбиясининг намунаси бўлиб хизмат қилади.

Жамият тараққиёти жараёнида ўзини ижтимоий фаолиятнинг турли шаклларида намоён этиб, маълум тарихий даврнинг вакили сифатида муносабатларга киришиб, амалий фаолият кўрсатадиган шахс ҳам шакллaниб боради.

Шунга кўра, мутафаккирлар идеал шахслар сиймосини ахлоқан пок, жамиятнинг моддий ва маънавий бирлигини яратувчи, жисмонан соғлом, етук инсон қиёфасида яратганлар.

Таълим-тарбия тарихига назар ташлар эканмиз, ўтмиш маърифий меросимизда энг муҳим масала — инсон масаласи, уни етук қилиб тарбиялаш муаммоси ҳамиша долзарб бўлиб келганига амин бўламиз. Буни биз донолик мажмуаси сифатидаги энг қадимги ёдгорликлардан тортиб, классик меросимиз бўлган таълимий-ахлоқий асарлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Маърифий қадриятларимизнинг ёрқин намунаси саналган таълимий-ахлоқий асарларда инсоннинг ақлий, ахлоқий такомили, жамиятда эгаллаши лозим бўлган ўрни ва нуфузи теран бадиий ва илмий тарзда баён этилган. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Кайковуснинг «Қобуснома», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ», Саъдийнинг «Гулистон», Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Давонийнинг «Аҳлоқи Жалолий», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи Султоний», «Ахлоқи Мухсиний», Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» каби асарларида комил инсонни шакллантириш мазмуни, йўллари, шакллари, услуби ҳамда усуллари, унинг таркибий қисмлари ёритилган. Уларда шарқ кишисининг ақлий, ахлоқий, руҳий камолоти муаммоси етакчи қилиб қўйилган. Бу ғояни амалга оширишнинг асосий воситалари сифатида таълим-тарбияни амалга ошириш таъкидланган.

Умуман олганда, таълимий-ахлоқий рисолаларда ахлоқнинг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари чуқур таҳлил қилиб берилган.

Уларнинг барчасида инсоннинг камолоти илм-фанни эгаллаб, юксак ахлоққа эришгандагина намоён бўлади, деган ғоя етади.

Абдулла Авлоний «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида тарбия турлари ҳақида фикр юритар экан, «Тарбиянинг замони», яъни боланинг етук тарбия топишида ижтимоий муҳит, оиланинг ўрни, «Бадан тарбияси» соғлом инсонни тарбиялаш, «Фикр тарбияси» — тафаккурини ривожлантириш, фикрлашга ургатиш, «Ахлоқ тарбияси» — яхши хулқ ва одатларни таркиб топтириш каби масалаларга эътиборни қаратади.

Демак, қадим замонлардан бошлаб баркамол инсонни шакллантиришнинг асосий мезони сифатида ақлий етуклик — соғлом фикр, юқори истеъдод, ижодкорлик, яхши хулқ, нафосат тарбиясини шакллантириш тушунилган.

Таълим жараёнида талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш,билим олишга қизиқишини ошириш, уларни шахс сифатида шакллантириш ўқитиш услубларида ўзгаришлар ясашни талаб этади. Ҳозирги даврда мактабларда таълим қўпроқ ҳаммага бир хил, тайёр ахборот тарзида берилиши натижасида жуда кўп талабаларнинг истеъдоди очилмай қолаяпти. Таълим-тарбия жараёнида янги педагогик технологияларни жорий этиш, илмий мунозаралар, муаммоларни ҳал этишнинг турли усулларини қўллаш ҳар бир талабанинг илмий иқтидорини юзага чиқариш, зеҳнини ўстириш, тафаккурини шакллантиришга хизмат қилади.

Шунинг учун ҳозир тажриба-синов учун тузилган умумий ўрта таълим давлат стандартлари ҳамда унинг асосида яратилган дастурлар ва дарсликларда ушбу талаблар инобатга олинди. Лекин бу жараённинг самарали ўтиши фақат дастур ва дарслик муаллифларигагина эмас, кўп жиҳатдан ўқитувчиларга ҳам боғлиқ. Шунга кўра, ўқитувчиларни, барча халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ҳам муҳим ва зарурдир.

Хуллас, умумий ўрта таълим мактаби янги жараёнга қадам қўймоқда. Ана шу қадамни маърифий қадриятларимиздан фойдаланмай, таълим-тарбияга оид тарихий тажрибаларнинг мақбулларини амалий педагогик фаолиятимизда қўлламай ютуққа эришиш мушкул. Буларнинг барчаси узлуксиз таълим тизимининг асосий мезонлари сифатида зарур бўлиб, таълимни республикамизда жаҳон тараққиёти даражасига кўтаришда, баркамол шахси шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

И. ТУРСУНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

С. НИШОНОВА,
педагогика фанлари номзоди, доцент

GULXAN GULXAN

«ГУЛХАН»НИНГ ГУЛЛАРИ КЎП

Матбуот бозори бугун кучайгандан кучайди. Бу аслида ижобий ҳол. Ҳар бир тармоқнинг ўз мутахассисига мўлжалланган газета-журналлари бор. Ўз матбуоти орқали фикрлашади. Муаммоларни ўртага ташлайди. Ана шу нашрлар ичида энг оммабопи «Гулхан» журнали ҳисобланади. Оммабоп дейишимга сабаб, «Гулхан» журнали республика ўқувчиларининг ягона—адабий-бадиий, безакли журнали. Болалар адабиётнинг биттаю битта тарғиботчиси.

«Гулхан» журнали яна уч ойдан кейин етмишга тўладиган бўлса, билингки, у республикада болалар адабиётининг шакллaнишига асос солди. Ўз саҳифаларида болаларга аталган рассомчилик мактабини яратди. Унинг саҳифаларида илк шеъри, ҳикояси,расми эълон қилинган муаллифларнинг ёши бугун саксондан ошиб кетди. Болалар журналистикаси ҳам ана шу таҳририятдан бошланган, десам хато қилмайман.

Ҳозирги кунда болалар адабиёти, болалар журналистикаси деган сўзларга турли қарашлар мавжуд. Аммо шу соҳада ишлаганлар, болалар дунёсига умрини бағишлаганлар бу соҳанинг нақадар қийинлигини яхши билади. Ҳамиша бола тилида равон, содда ёзиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Бола усувчан,фикр ўзгарувчан деганларидек, «Гулхан» журнали ҳам ўтган йиллар орасида ўз даври нафасини саҳифаларида ёритиб келди. Фақат қувончлиси шуки, қандай шаклда чоп этилмасин мудом ўз ўқувчисига эга бўлиб келди.

Мен «Гулхан»дан чиққанман дегувчи турли авлод вакиллари бугунликда Мустақил Республикамизни айтар сўзлари, чизган расмлар билан қуйлаётган Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Темур Саъдуллаев,Алишер Мирзаев, Ортиқали Қозоқовларнинг илк расмлари худди ана шу «Гулхан»да ёритилган. «Гулхан» билан ҳамкорлик қилувчиларнинг сони кўп бўлган.

Янглишмасам, ҳали бирорта рассомнинг болаларга атаб чизилган кургазмаси ташкил қилинмади. Биз кўпинча болалар чизган расмлар кургазмасига ўрганиб қолганмиз. Болалар китобларига чизилган расмлар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Камсуқум болалар адабиёти вакиллари Ҳаким Назир, Пулат Мумин, Худойберди Тухтабоев, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон, Миразиз Аъзам, Эргаш Раҳимов, Фарҳод Мусажоновлар ҳанузгача «Гулхан» остонасини узларига азиз деб билиб келмоқдалар.

«Гулхан» ҳаммабоп, оммабоп деб айтдим. Унинг саҳифаларида фақат бадиий асар, расм чоп этилмайди. Турли-туман ихтирочи болалар ҳаётидан тортиб, тўгараклар иши, иқтисод, тарих, фан, маънавият ҳақида суҳбатлар, шахмат бўйича дарслар, кроссворд,чайнворд, ребус каби бошқотирмалар, дам олиш саҳифасидан мунтазам ўрин олаётган ҳандалар, мана унинг асосий мундарижаси.

«Гулхан» мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ давлат ҳимоясига олинди. Биздан фақат журналнинг мазмундорлиги, мустақиллик даври болаларининг ҳақиқий журнали бўлиши талаб қилинмоқда. Жамоамиз ана шу талаб даражасида ишлашга ҳаракат қилмоқда.

Мен фақат «Гулхан» ёшини эслатиб ўтдим. Шундан билса буладики, 1999 йилда етмишга кирадиган журналимиз, обуначи хонадонига кириб боради. Янги йилдан бошлаб, ҳамишадагидек, юқорида айтганларимдан ташқари, журнал ўқувчилар ижодига, хат-хабарларига кенгроқ эътибор беради. Йигирма беш-ўттиз фоизга яқин материалларимиз узбек ёзувидаги лотин алифбосида ёритилади.

Яна бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим. Бизнинг ўқувчилар асосан тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи синф ўқувчилари ҳисобланади. Қулоққа чалинган гап шуки, ҳозирдан баъзи ўқитувчилар бешинчи синфгача бўлган болалар бу йилдан бошлаб узбек ёзувидаги лотин алифбосига утди. «Гулхан»га обуна қилиш шарт эмас,дейишаётганмиш.

Ҳолбуки, бу синфдаги болалар лотин ва кирилл алифбосини баравар ўқишмоқда.

Икки оғиз сўз обунани ташкил этиш ҳақида.

Эсдан чиқармайлик, агар якка обуна қиладиган бўлсак, келгуси йили «Гулхан» обуначиларининг сони миллиондан ошиб кетади. Биз шароитдан келиб чиқиб (синф раҳбарларига, ўқитувчиларга, ташкилотчиларга айтар сўзимиз бу), обунани ташкил қилинг демоқчимиз. Одатдагидек, жамоа бўлиб обуна қилинса, камида ҳар бир синфга икки донадан журнал кириб борса.

Маънавият,маърифат ҳақида соатлаб гапиргандан кўра, кургазмали қўлланма сифатида синфдан ташқари ўқишларда «Гулхан»хонлик дарслари ўтилса нечоғли фойдали бўларди.

«Гулхан» журналини фақат обуначилари эмас, ота-оналар ҳам завқ билан варақлашига, қўлдан қўймай ўқишига биз кафолат берамиз. Журналнинг Сизга аталган гуллари янги йилдан бошлаб кетма-кет очилиб бораверади.

Сафар БАРНОЕВ,
«Гулхан» журнали бош муҳаррири

GULXAN GULXAN



«ГУЛХАН» ЖУРНАЛИ УЧУН

1999 йил обунаси
(Тошкент шаҳри бўйича)
Индекс 816 - нақд пул тўлаб обуна бўлишга йиллик баҳоси - 240 сўм.
Индекс 817 - пул ўтказиш ҳисобига йиллик баҳоси - 312 сўм.

Республика вилоятлари обуначилари учун эса матбуот тарқатиш маркази алоҳида нархлар белгилайди.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДАН ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР

1. Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи (V асрдан XVI аср бошларигача), Т., «Ўқитувчи», 1996 й.
2. Муқминова Р.Г. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи (XVI аср - XIX асрнинг биринчи ярми), Т., «Ўқитувчи», 1994 й.
3. Бобобеков Ҳ. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг бошлари), Т., «Ўқитувчи», 1995 й.
4. Ражабова Р. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи (1917-1993 йиллар). Т., «Ўқитувчи», 1994 й.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИГА ОИД ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. «Маърифат» газетаси (1998 йил, 19 август)
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, 1-жилд.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддас-дир, 3-жилд.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин, 2-жилд.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 й.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон». 1997 й.
7. Аҳмедов Б. Амир Темур. Т., 1996 й.
8. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. «Халқ мероси», 1992 й.
9. Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т., «Ўқитувчи», 1991 й.
10. Амир Темур. Зафар йўли. Т., «Нур». 1992 й.
11. Абдулғози Б. Шажарайи турк. Т., Чўлпон, 1992 й.
12. Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. Т., «Фан», 1996 й.
13. Бердимуродов А. Гўри Амир мақбараси, Т., Чўлпон, 1992 й.
14. Бобур. Бобурнома. Т., «Юлдузча». 1989 й.
15. Буюк сиймолар, алломалар, Т., «Халқ мероси». 1995 й.
16. Вамбери Херман. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т., Ғ.Ғулом, 1990 й.
17. Жабборов И. Ўзбек халқ этнографияси. Т,, «Ўқитувчи». 1994 й.
18. Жавлиев Г. Анъаналар ҳаёт сабоғи. Т., «Ўзбекистон», 1992 й.
19. Зиёев Ҳ. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари XVI асрнинг иккинчи ярми - XIX асрлар. Тошкент, «Фан», 1965 й.
20. Жўраев Н. Агар огоҳ сен... Т., «Шарқ» нашриёти, 1998 й.
21. Левитин Л. ва Карлайл Д.С. Ислом Каримов - янги Ўзбекистон Президенти. Т., «Ўзбекистон». 1996 й.
22. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Т., »Мерос». 1992 й.
23. Иброҳимов А. ва бошқалар. Ватан туйғуси. Т., «Ўзбекистон», 1996 й.
24. Иброҳимов К. Мадаминбек, Т., «Ёзувчи», 1993 й.
25. Кабиров А., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Т., «Ўзбекистон», 1990 й.
26. Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Т., «Фан». 1993 й.
27. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Тошкент, 1968 й.
28. Миркарим Осим. Кармомлик. Т., «Фан», 1970 й.
40. Сомон йўли (Амир Темур ҳаётига бағишланган). Т., «Камалак». 1992 й.
41. Темур тузуклари. Т., «Мерос», 1991 й.
42. Тошкент энциклопедияси. Т., Қомуслар бош таҳририяти. 1993 й.
43. Ҳидоятов Г.А. Менинг жонажон тарихим. Т., «Ўқитувчи», 1992 й.
44. Ўзбекистон Республикаси. Т., Қомуслар бош муҳарририяти, 1997 й.
45. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992 й.
46. Қиличев Т. Кўҳна қалъалар диёри. Т., «Ўқитувчи», 1993 й.
47. Усмонов К. Ўзбекистон, мустақиллик одимлари. Т., «Ўзбекистон», 1994 й.
48. Фозилбек Отабек. Дукчи эшон фожиаси. Т., Чўлпон, 1992 й.

ҚЎРГАЗМАЛИ ҚЎЛЛАНМАЛАР

1. Раҳимов Ж. Туркистоннинг забт этилиши (фото, архив ҳужжатлар мажмуаси), Т., 1990 й., ЎзПФИТИ нашриёти.
2. Маҳкамов А. ва бошқалар. Расмларда Ватан тарихи (Ўзбекистон тарихидан лавҳалар), Т., 1995 й.
3. Мустақил Ўзбекистон тарих силсилаларида (маълумотнома). Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1992 й.

Ушбу дарслик ва ўқув қўлланмаларидан тарих фанига қўйилаётган ҳозирги давр талабларига асосланган тарзда фойдаланиш тавсия этилади.

ЖАҲОН ТАРИХИДАН ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Кабиров А., Коровкин Ф. Жаҳон тарихи (энг қадимги даврлардан милоднинг V асригача), 5- 6-синфлар учун дарслик. Т., «Ўқитувчи», 1995 й.
2. Е.В.Агибалова. Г.М.Донской, Т.У.Салимов. Жаҳон тарихи (V-XVII асрлар), 7-синф учун дарслик. Т., «Ўқитувчи», 1995 й.
3. Новейшая история XX века. М., 1998 й.

Ушбу дарслик ва қўлланмалардан тарих фанига қўйилаётган ҳозирги давр талабларига асосланган тарзда фойдаланиш тавсия этилади.

Sport maydonchasi

ҚАШКАДАРЁДА ФИНАЛ БАҲСЛАРИ

Республика жисмоний тарбия жамоалари ўртасидаги кубок ўйинлари ниҳоясига етай деб қолди. Голиблар 28 сентябрь — 5 октябрь кунлари Шаҳрисабз ва Яккабоғ шаҳарларида финал учрашувларида баҳсга тушадилар.

ЧИРЧИҚ ФИНАЛГА ЧОРЛАЙДИ

Аёллар ўртасида республика кубоги ўйинлари 2-10 октябрь кунлари Чирчиқда ўтказилади. Ушбу беллашувларда «Андижанка», «Дилноза» (Тошкент), «Медея-Гўзал» (Фарғона), «Қирққиз» (Нукус) ҳамда «Гули» (Навоий) жамоалари ўзаро куч синашади.

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАНДИ

Футбол бўйича Осиё кубок эгалари кубоги баҳсларида иштирок этаётган «Пахтакор» жамоамиз Тожикистоннинг «Хўжанд» жамоасини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Пахтакор» марказий ўйингоҳида бўлиб ўтган ушбу ўйинни 40 минг нафар томошабин томоша қилди.

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Австралияда теннис бўйича Дэвис кубоги учун ўтказиладиган Австралия-Ўзбекистон терма командалари ўртасидаги баҳсга ташланган қуръа натижаларига кўра, ҳамюртларимиз Олег Огородов машҳур теннис устаси Патрик Рафтерга, Вадим Куценко эса Жеймс Столтенбергга қарши кортга чиқадилар.

ЯНА ФУТБОЛ ҲАҚИДА

Шу йил 30 ноябрдан 19 декабргача Бангкокда ўтказиладиган 13-Осиё ўйинларида иштирок этадиган терма жамоалар 8 та гуруҳга бўлинди. Ўзбекистон терма жамоаси «G» гуруҳида Непал, Монголия ва Кувайт терма жамоалари билан баҳсга тушадиган бўлди.

НУР ШАРҚДАНДУР

Ўзбекистон Фанлар академияси, Алишер Навоий музейининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори, профессор Фозила Сулаймонова «Шарқ ва Ғарб» асарини чоп этди. Бу китоб зукко олиманинг узоқ йиллик кузатишлари ва меҳнатининг самарасидир. Бу китоб европалик олимлар томонидан эътироф этилди.

Фозила опанинг суҳбати ана шу китобнинг яратилиши ҳақида.

Марказий Осиё, жумладан, Мовароуннаҳр жуғрофий шароити қулай, табиати гўзал маскан. Узоқ ўтмишда одамлар бу ерларда ўтроқлашиб, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлар. Ерлардан суғориш усули билан ҳосил олганлар. Бу эса минтақада маданиятнинг анча эрта, бир неча минг йиллар аввал шаклланиши таъминланганидан далолатдир. Сўнгги ўн йилликларда археологлар томонидан очилаётган шаҳар вайроналари, моддий маданият қолдиқлари бу фикримизнинг ёркин далилидир.

Дунёда ҳеч қайси миллат, ҳеч бир халқ бошқа элатлардан ажралиб, ўз ҳолича яшаган эмас. Акс ҳолда ривожланиш ҳам, тараққиёт ҳам бўлмас эди. Энг қадимий ва антик даврларда аждодларимиз Эрон, Миср, Бобил, Марказий Греция, Юнонистон каби минтақалар билан алоқа қилган. Ипак йўлининг мамлакатимиз орқали ўтиши ҳунармандчилик, савдо-сотиқнинг эрта ривож топишига олиб келди. Аждодларимиз шунчалик ишчан ва уддабурон бўлганларки, Византия императорлари узоқ вақтларга қадар ўзларининг дипломатик ва молия ишларига суғдиёликларни, умуман Ватанимиз вакилларини жалб этганлар.

Нур Шарқдан... Бу Рим империясида кенг тарқалган мақол. Яқин вақтларгача Юнон ва Римда илму фаннинг ривож топишида Миср, умуман Яқин Шарқ мамлакатлари асос бўлиб хизмат қилганлиги айтилган.

Эрамиздан аввалги VII—V асрларда шаклланган Иония фани ва фалсафаси Яқин Шарқ таъсири асосида эмас, балки бизнинг қадимий динимиз зардуштийлик таълимоти асосида шаклланган экан.

Шарқ маданияти, илм-фани, фалсафаси ва адабиётининг таъсири Жанубий Франция, Прованс, Шимолий Франция ва Италияда кучли бўлди. Парижда Шарқ шеъриятининг таъсири остида Трубадур ва туруверлар лирикаси, Италияда «янги ёқимли услуб» шаклланди.

Шарқ шеърияти, айниқса ғазал жанри, Овруподаги дастлабки дунёвий мазмун ва миллий тилдаги рицарлар шеъриятининг ташкил топишига асос бўлди. Аммо XVIII асрдан бошлаб то ҳанузгача овруполик олимлар буни тан олишни истамайдилар. Шу уринда канадалик олим А.Деноминнинг ҳақли сўзларини келтирамиз:

«Меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва мўйқалам санъатига очиқ бўлган йўл қандай қилиб шеърият ва насрий асарларга ёпиқ бўлсин».

Инсоният маданий тараққиётининг маҳсули бўлган буюк сўз усталаридан бири Данте Алигьеридир. Бу қалам соҳиби 1265 йилнинг май ойида Флоренцияда туғилган. Ёшлигида диний мактабда ўқиган шоир Болонья университетида таълим олган. Умр бўйи фалсафа, ахлоқ, илоҳият, тарих, мантиқ ва турли халқлар адабиётини мустақил равишда ўрганган. Ўз замонасининг энг билимдон кишиларидан ҳисобланган. Дантенинг биринчи асари - «Янги ҳаёт» номли шеърлар тўплами Ибн Синонинг «Рисолаи ишқ» асари, «Зиёфат» деб номланган фалсафий асари эса Аҳмад Фарғонийнинг астрономияга оид китоби таъсирида ёзилган. Европа адабиётининг буюк намунаси саналмиш «Илоҳий комедия» эса «Меърожнома»дан илҳомланиб ёзилган. Китобда мана шу айтган фикримизни далиллар асосида исботлаб берганмиз.

Данте дунёқараши, ижоди, Шарқ фалсафаси, адабиёти таъсири остида шаклланган рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Шоир ижоди Овруполо адабиётининг кейинги давр ривожи, йўналишини аниклаб бергани аллақачонлар фанда тан олинган. Демак, Шарқда яратилган фалсафа, химия, математика, медицина, астрономия, геология, табиат фанлари кейинги даврлар илми учун пойдевор бўлган экан, бадиий ижодда ҳам Шарқ адабиётининг таъсири асло кам бўлмаган.

Султон Санжар давридан бошлаб салжуқий туркларнинг Урта ер денгизи билан Қора денгизни бирлаштирувчи, Ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдо йўлини тўхтатадилар. Натижада 20-25 йил мобайнида Ипак йўлининг энг қулай йўналиши ёпилади. Шундан сўнг Овруполо мамлакатлари, Ҳиндистон, Хитой ва Шарқ мамлакатларига денгиз йўллари ахтаришга киришадилар. Натижада фавқулодда равишда янги қитъа — Америка кашф этилди. Васко де Гама эса Ҳиндистонга океан йўлини очди.

Овруполо мамлакатларидаги бу кашфиётлар кемачилик, техника, жуғрофия фанлари, умуман амалий илм-фаннинг кенг тарқалиши, тезликда ўсишига таъсир кўрсатди. Натижада Овруполада илмий-техник тараққиёт жадаллик билан ривож топди.

Мовароуннаҳр халқлари тараққиётида аста-секин турғунлик юзага келди. Ташқи савдо алоқаларининг сусайиши иқтисодий таназзулга олиб келди. Иқтисодий қолоқлик маданият ва фан ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бунинг устига подшолар ўртасидаги ўзаро уруш ва низолар тараққиётнинг илдизига болта урди.

Аммо бу орқада қолиш халқни маънавий қашшоқликка олиб келди дегани эмас. Агар Ғарбий Овруполо фан ва техника ривожининг олий даражасига кўтарилган бўлса, Шарқ халқлари инсон қалбини, руҳиятини ўрганишда юқори даражага кўтарилдилар. Рус адиби С.Сульгинский: «Ғарб - оқил, Шарқ - донишманд, Ғарб - кенглик, Шарқ - теранлик, Ғарб - ҳаракат билан яшаган, Шарқ эса орзу-умид билан, агар Ғарбнинг атоқли одамлари фаоллар бўлсалар, Шаркда улар файласуфлар... Ғарбга нисбатан бир неча асрлар аввал Шарқда илм-фаннинг деярли барча соҳалари учун асос яратилган эди», - деб ёзгани айнан ҳақиқатнинг ифодасидир.

Сўнгги даврларда инсониятнинг илғор вакиллари келажак цивилизацияси ғарбликларнинг амалиёти фан ва техника ютуқлари, шарқликларнинг ўткир мушоҳадаси, Ғарбнинг фаоллиги, шарқликларнинг маънавиятини, руҳиятини яхши англай билиши билан бойитилса, инсоният юксак даражадаги тараққиётга эришажагини яхши англаб олмоқда.

Президентимиз маънавиятга катта эътибор бераётганлари бежиз эмас. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат, деган сўзларини ҳам осмондан олган эмаслар. Бу сўзлар мустаҳкам заминга эга. Биз «Шарқ ва Ғарб» китобимизда боболаримизнинг дунё маданиятига қўшган ҳиссасини ёшларимизга, келажак авлодларга аниқ ва равшан кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик.

Сўзимни эса Иоганн Вольфганг Гётенинг «Ғарбий-Шарқий девон»идаги қуйидаги тўртлик билан мухтасар қилсам:

Агар сен қалбан билимдон бўлсанг,
Қуйидаги фикрни англагин —
Бутун Ғарб ва Шарқ
Чамбарчас боғланишган.

Абдурахмон ЖЎРА ёзиб олди

УСТОЗЛАРИМ

Санталат ЎРИНОВА шеъри, Тошкент шаҳридаги 82-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси

Ҳабибулла РАҲИМОВ мусиқаси



Қайноқ қалби - мисли чироқ,
Фикри тиниқ - жўшқин булоқ,
Тонгдай тиниқ тилаклари,
Юрган йўли мангу порлоқ.
Меҳригиё Устозларим,
Сўзи зиё Устозларим.

Пур маъно бор сўзингизда,
Қуёш балқир юзингизда.
Башар Сиздан камол топар,
Чечак унар изингизда.
Меҳригиё Устозларим,
Сўзи зиё Устозларим.

Ҳавас қилар Сизга лочин,
Кўкка ёзиб кенг қўлочин.
Пок виждону имон ила,
Оқлаяпсиз эл ишончин.
Меҳригиё Устозларим,
Сўзи зиё Устозларим.

«Устозлар ҳақида энг яхши қўшиқ» кўрик-танловига



МУАЛЛИМ

Бахром МАҲМУД шеъри, О.КОМИЛЖОНОВ мусиқаси

Бошда фикр нури-гавҳар,
Болаларга устоз, сарвар.
Қалби тоза гуллар қадар
Бу - муаллим,
муаллим.

Дарсида гар сезса нуқсон,
Юрагида турар тўфон.
Тунлар бедор, қийналган жон
Бу - муаллим
муаллим.

Иши билан дили бирдир,
Дўсти-ёрга ширин тилдир.
Тўлқин урса Аму-Сирдир
Бу - муаллим,
муаллим.

Мустақиллик хуш замона,
Хуш замонга у парвона.
Юртим, элим... дейди ёна
Бу - муаллим,
муаллим!

Xullas...

ГАПЛАШМАЙДИГАН ҚАБИЛА

Индонезиянинг олис ва чекка қишлоқларидан бири—Ирманжайда гапирмайдиган қабила яшайди. Улар бир бирлари билан қандай муомала қилишади? Имо-ишора ва белгиларга асосланган бу қабила олимларни ҳам ҳайратга солмоқда.

Қабиладаги мавжуд 33 та оила ҳаёти устида кузатиш олиб бораётган олимларнинг хулосаси шундай: «Улар узоқ тош асрининг одамларига ўхшайди. Ўтмишни ўрганмоқчи бўлган тарихчилар марҳамат қилиб шу ерга келишсин!»

КУЛДИРИШ УЧУН

Таниқли немис олими Рудольф Вирхов талабаларга қизиқарли биологик тажриба кўрсатди. Ўткир тиғли пичоқ ёрдамида у қурбақанинг мия қисмини кесди. Жон ширин эмасми, қурбақа ҳимоя истаб вақиллаб юборди. Аудиторияда «гурр» этган кулгу!

«Тажриба уддаланди» деб профессор ўзи ҳам кулиб юборди. Бутун аудиторияни кулдириш учун бир парчагина мия кифоя қилди. Ахир одамларни кулдириш учун ёрдам берадиган тажрибани ўтказиш мароқли-да.

УЭСТЕРВИЛЛДА ИЧИШМАСДИ...

АҚШнинг Огайо штатидаги Уэстервилл шаҳрида спиртли ичимлик мутлақо сотилмас ва ичишмасди. Бу қонун асосида жорий қилинган бўлиб, шу пайтга қадар ҳеч ким «миқ» этмасдан шунга риоя қилиб келарди.

Нима бўлди-ю, яқинда шаҳар аҳлининг бир қисми маҳаллий ҳокимиятга спиртли ичимликлар сотувини йўлга қўйишни талаб қилиб чиқдилар. Кўпчилик эса қонуннинг кучда қолиши тарафдори эдилар.

Маҳкамадагиларнинг боши қотди. Улар ўйлай-ўйлай, шаҳарнинг бир қисмида ароқ сотилиши учун қарор чиқаришди. Қолган аҳоли учун қонун ўз кучида қолди...

ana shunaqa gaplar...

QUTLOV

Ҳурматли устозимиз Гулбаҳор Содиқова!

Сизни туғилган кунингиз ҳамда Ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрами билан чин дилдан табриклаймиз. Бизга кўрсатаётган меҳрибонлигингиз ва бераётган билимингиз учун катта раҳмат. Соғ-саломат бўлинг!

Тошкент шаҳридаги 146-мактабнинг 9-«А» синф ўқувчилари

ЖАМОАНИНГ ЖАМОЛИ

Сирғали туманининг энг гўзал ва гавжум жойида политехника касб-ҳунар лицейи жойлашган. У узининг кўркам биноси ва ҳовлиси билан кўзни қувонтиради. Муҳандис-педагоглар жамоаси ўзининг ҳушмуомалалиги, очиқ кўнгиллиги билан ажралиб туради.

Ўқув йилининг биринчи ҳафтасида шу лицейда бўлдим. Лицей ўқитувчилари ҳақида гап кетганда, кўпчилик Хосият Турдиметовани ҳурмат билан тилга олди. У масъул бўлган кимё ўқув хонаси мақтовга арзигулик. Хона ёруғ, шинам, замонавий жиҳозланган, техника воситаларига, дидактик қўлланмаларга бой экан. Ўқитувчи Хосият Турдиметовани суҳбатга тортдик.

— Мен 1975 йилдан бери ҳунартехника билим юртларида ишлаб келаман. Ҳозирги пайтда политехника касб-ҳунар билим юртида ишлаб, кимё фанидан болаларга билим бериб келмоқдаман. Лицейимизнинг асосий соҳаси қурувчи кадрлар тайёрлаш. Уларни мутахассислиги кимё фани билан чамбарчас боғланганлиги боис, бу талабалардан фанни пухта билишни, ҳаётда оқилона фойдалана олишини, экологик муаммоларни яхши билишни талаб қилади. Шу сабабдан кимё дарсларида доимо экологик тарбияга вақт ажратаман, ўтилаётган мавзуларни экологик муаммоларга боғлаб, зарур бўлса ишлаб чиқариш цехларида намойиш этаман. Дарсдан ташқари ўқувчилар билан ўтказиладиган кимё тўгараги машғулотларида экологик муаммоларга тегишли лекциялар, мусобақалар, кўргазмалар уюштираман.

Суҳбатлашганимиз сари бу фидоий, тиниб-тинчимайдиган, изланувчан ўқитувчи билан суҳбатлашгимиз келар эди. Ўқитувчиларимиз орасида бундай инсонлар меҳнат қилар экан, ёшларимиз тарбияси ва билимидан кўнглимиз тўқ.

МУХБИРИМИЗ

Мактабгача таълим ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курсида 1998 йил октябрь ойида навбатдаги курслар ўзбек ва рус тилларида иш бошлайди

Унга қуйидаги мактабгача таълим муассасаларининг мутахассислари таклиф қилинади:

1. Мактабгача таълим муассасаларининг мудиралари - 5.10.1998 - 31.10.1998 йилгача
2. Мактабгача таълим муассасаларининг услубчилари - 5.10.1998 - 31.10.1998 йилгача

ҚИСҚА МУДДАТЛИ КУРСЛАР

Туман ХТБ назоратчи, методистлари - 5.10.1998 - 16.10.1998 йилгача

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади. Курс қошида болалар хонаси мавжуд.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Талабалар шаҳарчаси бекати.

Автобуслар: 28, 34, 87, 11.

ШАВҚИ БАЛАНД БЕШАРИҚЛИКЛАР

Спорт, аввало киши туғилиб ўсган юртининг шарафини ҳимоя қилиш, эл назарига тушиш демак. Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида бу масалага жуда катта эътибор билан қараляпти. Кикбоксинг устаси Иброҳимжон Ҳамидов методика кабинетига жисмоний тарбия соҳаси бўйича услубчи бўлиб ишга ўтганидан кейин, туман спорт мактабида ҳатто марказдан олисдаги ўқув даргоҳлари қошида ҳам спортнинг кўпгина турлари бўйича тўгараклар мунтазам ишлай бошлади. Саъй-ҳаракатлар эса бесамар кетмаяпти. Бешариқлик футболчи, волейболчи, теннисчи, баскетболчи, енгил атлетикачилар ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишяпти.

Масалан, Ангрен шаҳрида бокс бўйича бўлиб ўтган ўсмирлар чемпионатида тумандаги 26-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дониёр Норматов 53 килограммгача бўлган вазнлилар орасида ғолиб чиқди.

Шунингдек, Турақўрғон туманида миллий кураш бўйича ўсмирларнинг республика мусобақаси ташкил этилди. Унда ҳам тумандаги 23-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Исомиддин Жўрабоев 50 килограммгача бўлган вазнлилар орасида фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Аваз ҲАЙДАРОВ, ўз мухбиримиз

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати ва математика факультети жамоаси «Математика ўқитиш методикаси» кафедраси катта ўқитувчиси
Шокир МИРҲАМИДОВ
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти жамоаси «Ахборотлаштириш ва стандартлаштириш» кафедраси мудири, профессор Ҳусан Қодировга акаси
Абдурахмон ҚОДИРОВ
вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати, бошланғич таълим услубиёти факультети жамоаси шу факультет доценти, педагогика фанлари номзоди
Тожихон УМАРОВА
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати, бошланғич таълим услубиёти факультети жамоаси шу факультет декан ўринбосари, бошланғич таълим педагогикаси кафедрасининг доценти
Карим ХОЛИҚБЕРДИЕВ
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Нурлан УСМОНОВ

Газетани IBM компьютерида Лилия Бинашева ва Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0330. Тиражи 25.810. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-19.00. Г. 123456